# ИШЧАНЛИК ФАЗИЛАТЛАРИГА ҚАРАБ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу мақсадларда бўлимлар ва цех партия ташкилотларининг раҳбарлари тавсиясига биноан уч босқичли резерв тузилди. Айтайлик, раҳбар йўғида унинг ўрнида резервнинг иккинчи поғонасида турган шахс ишлай бошлайди. Бундай резерв ташкилотни бошқаришнинг барча бўғинларида бор. Бу принципнинг афзал томони бизнингча шундаки, бунда одамлар истиқболни кўради, ходимнинг чинакам ишчанлик фазилатларини юқорироқ лавозимларда ишлаган даврида баҳолаш мумкин бўлади. Биринчи навбатда резерв малакаси оширилади.

Бундай система раҳбар кадрларнинг ишчидан техник-инженергача, бўлим, лаборатория мудири, бош мутахассисликкача ўстириш имконини бермоқда.

Жумладан, бўлим бошлиғи А. Цуканов бирлашмада меҳнат йўлини слесарь-электр монтажчиликдан бошлади. Кейин сиртдан институтни туғаллади. Группа бошлиғи, бош конструктор бўлди. Бўлим мудирининг ўринбосари Х. Жалилов бирлашмага техник бўлиб ишга кирганди. Институтни сиртдан тамомлаб, етакчи конструктор, сектор мудири бўлиб ишлади. Ю. Мамчистовнинг ўсиш босқичлари диққатга сазовордир. У 1973 йилда электр монтёр бўлиб ишга кирганди, сўнг Тошкент политехника институтини сиртдан битиргач, инженер лавозимига ўтди. Ҳозир эса бирлашма бош энергетигидир. Жумладан, бўлим бошлиғи В. Шейн ҳам лаборантликдан бўлим бошлиғилигигача ўсди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Барча бўғиндаги раҳбарларнинг топширилган иш участкаси учун масъулиятини ошириш тадбирлари системаси аниқ регламент асосида қурилган: бу регламент унинг ҳуқуқи ва бурчларини белгилайди, аниқ шахсларга берилган план ва бошқа кўрсаткичларнинг бажарилиши учун маънавий ва моддий манфаатдорликка боғлиқ. Бундан ташқари якунлар чиқарилаётганда миқдор жиҳатидан баҳоланадиган тадқиқотларнинг техник даражаси ва сифати, коллективдаги меҳнат ва ижрочилик интизоми, ижтимоий ҳаётдаги иштироки ҳисобга олинади.

Сўнгги пайтларда кадрларни қайта аттестация қилиш масалаларига катта эътибор бера бошладик. Бу иш бирлашмада вақти-вақти билан ўтказиб турилади. Аттестация комиссиялари барча бўлимлар ва хизматларда тузилган. Жумладан, марказий бош мутахассислар, хизматлар ва бўлимларнинг раҳбарларини аттестациядан ўтказади. Ўтган йили масалан, бир нечта бўлим бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари яширин овоз бериш орқали эгаллаб турган лавозимига муносиб эмаслиги тан олинди ва аттестация натижалари бўйича пастроқ ишларга ўтказилди. Бу кишилар эгаллаб турган лавозимларига барча кўрсаткичлар бўйича муносиб бўлмаганликлари учун эмас, балки баъзиларида истиқболни кўзлаб фикр юритиш, баъзиларида янгиликни ҳис этиш етишмаслиги, бошқа бирларида эса янги ютуқларни жорий этиш истаги йўқлиги туфайли аттестациядан ўтмадилар.

Бироқ, кадрлар қўнимсизлигини камайтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ўз натижаларини беряпти. Лекин биз кутган даражада тез эмас. 1980—1983 йилларда қўнимсизлик бир ярим баравар камайди. Биз мутахассисларнинг ўз вақтида ўсишини таъминлашга, уларнинг меҳнат ва дам олиши, соғлом психологик муҳитни юзага келтириш, ишлаб чиқаришни бошқаришга, коллективнинг кўп қиррали фаолиятининг турли масалаларини ҳал этишга жалб этиш учун зарур шароитлар яратишга ҳаракат қиламиз.

Ҳар душанбада раҳбарлар ўз коллективлари олдида сўзлашлари, ҳар жума куни бош директор, партия комитети секретари, касаба союз комитети раиси, комсомол комитети секретари ҳафта мобайнидаги воқеалар тўғрисида активга ахборот бериши қоида бўлиб қолди.

Фан ва техника тараққиёти суръатларини жадаллаштиришда, ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияни жорий эттиришда кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бунда янги ишчилар тайёрлаш, эскиларнинг малакасини ошириш ва ўхшаш касбларга ўргатиш кўзда тутилади.

Инженер-техник ходимларнинг ҳам малакаси ошириляпти. Директор ўринбосари А. Беда, бўлим мудири ўринбосарлари Г. Цедик, Ғ. Исмоилов кадрлар тайёрлаш институтини (РостовДоншаҳри) тамомладилар, бирлашма бош директорининг ўринбосари А. Сумбулов СССР Министрлар Совети қошидаги халқ хўжалиги академиясида ўқияпти.

Ҳозирги шароитда «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнатни ташкил этиш ва уни рағбатлантиришнинг бригада усули меҳнаткашларни ишлаб чиқаришни бошқаришга жалб этиш ва уларни тарбиялашда иш самарадорлигини оширишнинг муҳим йўналиши бўлиб қолаяпти. Бригадалар жамоат ишлаб чиқариши интенсивлигини янада оширишда муҳим роль ўйнаб, меҳнат коллективининг асосий ишлаб чиқариш ва социал ячейкаси бўлиб қолди.

Бирлашмада меҳнатни ташкил этишнинг бригада усули ишчиларнинг коллектив меҳнатини ташкил этиш йўли билан (айтайлик, Ильич номли тажриба-механика заводи ишлаб чиқариш коллективларида) шунингдек 1982 йилдан бошлаб эксперимент тариқасида конструкторлар ва технологларни меҳнатдаги иштироки коэффициентини жорий этган ҳолда меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада усулига ўтказиш йўли билан ривожлантириляпти.

«Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида янги ускуналар ва технологияларни яратувчилар меҳнатини ташкил этишнинг бригада усули эксперимент тариқасида Ульяновдаги оғир ва фрезерлик қурилмалари махсус конструкторлик бюросидан сўнг мамлакатда иккинчи бўлиб жорий этиляпти.

11 конструкторлик ва конструкторлик - технология бўлимларида (жами 300 га яқин кишини қамраб олган) конструкторлар ва технологлар меҳнатини ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг янги усули 28 бригадада маълум натижаларни кўрсатаяпти. У бўлимларнинг коллективлари инженер-техник ходимларни тахминан 10 процентга камайтирдилар ва белгиланган ишни оз миқдордаги ходимлар билан бажаришаяпти. Бунда ишлаб чиқариш 30 процентдан кўпроққа, ўртача иш ҳақи 20 процентга ўсди.

Шу билан бирга мутахассисларнинг ижодий иш натижасига, топшириқни бажариш муддатларини қисқартиришга бўлган масъулияти ва бундан моддий манфаатдорлиги ортиши кузатиляпти. Конструкторлик бригадалари бошлиқлари Г. Шихов, Р. Асфандиёров, В. Горюнов, И. Винокур бу ишнинг чинакам ташаббускорлари бўлишди. Уларнинг меҳнат коллективлари энг юқори ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришмоқдалар.

Шу билан бирга бизда кадрлар билан ишлашда талай камчиликлар бор. Биз уларни биламиз, ҳар бир ходимга актив таъсир кўрсатиш йўлларини қидираяпмиз ва коммунистик онгли кишини шакллантиришда партия талабларига тўла жавоб берадиган коллективни юзага келтиришни муқаддас вазифамиз ҳисоблаймиз.



Ҳамза райони тобора чирой очиб боряпти. Бу ерда кўпгина турар-жой бинолари қад кўтармоқда.

СУРАТДА: районда яқинда ишга туширилган яна бир тўққиз қаватли турар жой биноси тасвирланган.

△

СССР 50 йиллиги номли «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи республикамиз учун қутлуғ йилда пахтакорларга юксак сифатли тракторлар етказиб беришга эришмоқда.

СУРАТДА: тракторларни жўнатиш жараёнида.
Ҳ. Мирзакаримов ва М. Нуриддинов фотолари.



• *Турли касб эгалари*

## ФИДОЙИ

Марказий диспетчерлик хонасида телефон жиринглади.

— Қўчқоров эшитади.

— «5-квартал» бекати яқинида троллейбус сими узилди, тезда чора кўришингизни сўраймиз.

Йўлдош ака тасодифан бўлган авариянинг олдини олиш мақсадида дарров энергия хўжалиги бўлимидаги аварияни қайта тикловчи Солиҳ Дадабоев ва Уркин Абдуллаев бригадасига маълум қилди. Ўзи троллейбуслар ҳаракати йўлга қандай қўйилаётганлиги ҳақида телефон орқали тез-тез маълумот олиб турди.

Шарафли касб эгаси коммунист Йўлдош ака Қўчқоров салкам 30 йилдан бери ҳаракат хизматида сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқда. У диспетчер ёки ҳаракат ревизори бўлиб ишламасин ҳамшаҳарларининг электр транспортга бўлган эҳтиёжини қондириш йўлида фидойилик қилмоқда.

Бир вақтлар ишбилармон М. Бобожонов, М. Гольдисга шогирд бўлган бу камтар, тажрибали ва билимдон диспетчер эндиликда устоз сифатида ҳамкасблари ҳурматига сазовор бўлиб келяпти. Балҳия Муртазина, Филипп Брославский, Фозил Исмоилов, Ирина Бердиева каби диспетчерлар Йўлдош аканинг шогирдларидир. Улар навбатчилик қилган куни трамвай ва троллейбуслар бир меъёрда ҳаракат қилади, гоҳо бўлиб турадиган авариялар ўз вақтида бартараф этилади. Шунинг учун диспетчерлар ҳамиша устозлари изидан боришга интиладилар.

Диспетчерлик — шарафли ва нозик касб. Билимдонлик билан шу касбга меҳр қўйган киши эъзозланади. И. Қўчқоров жавлон уриб меҳнат қилиб келаётган ҳаракат хизматида бир қанча илғор хизматчиларни учратасиз, М. Галимова, Ф. Абдуллажонова, З. Безбородова, С. Дадабоев, Г. Азизов, К. Пирмуҳаммедов, С. Тўхтаевалар фидокор диспетчерлардир.

Ҳозирги кунда Йўлдош ака ўз ҳамкасблари билан бирга Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топган куннинг 60 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақада актив иштирок этмоқда. Унинг олий мақсади ҳамшаҳарларига транспорт хизматини яхшилаш жараёнида бор куч ва ғайратини сарфлашдир.

**Ф. АБДУРАҲИМОВ.**

*БЕШ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ*

## ЮҚОРИ СИФАТ БИЛАН

Корхонамиз ўқув ишлаб чиқариш комбинати бўлгани билан халқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда районимизда салмоқли ўринни эгаллайди Ҳар йилгидек бу йил ҳам 359 миллион сўмликдан ортиқ уй-рўзғор ва хўжалик моллари ишлаб чиқарамиз. Ишчиларимиз ва мастерларимиз ўз ички имкониятларини чамалаб республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги нишонланадиган қутлуғ йилда планга қўшимча бир неча минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олишди. Ўз зиммамизга олган социалистик мажбуриятимизнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш учун цехлараро, ишчилараро социалистик мусобақани тобора авж олдирмоқдамиз. Мана бир неча марта Тўра Маъдамов етакчилик қилаётган корхона цехи ишчилари ғолибликни қўлдан бермай келишмоқда. Цехнинг Азиза Аҳмадбекова, Шарифа Комилова, Раҳима Анорқулова, Исмоилжон Холмуҳамедов, Дилфуза Тоирова, Любовь Сухоновалар каби моҳир ишчилар бир беш йилликда икки беш йиллик планларини бажариш ташаббуси билан чиқишганди. Ташаббускорлар ваъдаларига вафо қилишмоқда. Ҳозирги кунда улар ўн иккинчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилишмоқда.

Ташаббускорларимиз ва уларнинг издошлари ўзлари ишлаб чиқараётган ҳар бир маҳсулотнинг юқори сифати учун жон куйдиришмоқда.

Бизнинг ўқув ишлаб чиқариш комбинатимиз республикамизнинг ҳамма область ва шаҳарларидан келган ёшларга ишлаш малакасини қунт билан ўргатиб келмоқда. Кейинги уч йил ичида ўзимизга турдош бўлган саноатлар учун юздан ортиқ малакали ишчиларни тайёрлаб бердик. Шунингдек ўзимизда ҳам кўплаб ёшлар малакали ишчилар қаторига қўшилдилар.

Ўқув комбинатимизда бешта асосий цех бўлиб, уларда кўк рангдаги бўёқлар, белилалар, пластмассали рўзғор буюмлари, хўжалик товарлари, фоторасмлар учун альбомлар, жами 30 дан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг 12 таси Сифат белгиси билан тайёрланмоқда.

Коллективимизнинг ҳар бир аъзоси республикамизнинг шонли юбилейига муносиб меҳнат совғалари ҳозирлайдилар. Бунинг учун ишимизни уюшқоқлик билан ташкил этиб меҳнат интизомини янада мустаҳкамлайверамиз. Доимий шиоримизга айланган «Маҳсулот сифатига — ишчи кафолати!»га қатъий амал қилган ҳолда ишлаймиз.

**А. РЯБОВА,**
**Чилонзор районидаги 2-ўқув ишлаб чиқариш комбинати директори.**

Қардошлик қонунига биноан

## ШИМОЛГА МЕВА ЮБОРИЛМОҚДА

Шафтоли ортган дастлабки транспорт самолётлари Фарғона водийсининг аэропортларидан Узоқ Шарққа учиб кетди. Шундай қилиб, Ўзбекистон авиаторларида «мева мавсуми» авжига чиқа бошлади: ҳар куни Узоқ Шарққа, Заполярье, Сибирга кўпдан-кўп янги мева ва сабзавот олиб кетилмоқда.

Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармасида маълум қилишларича, шу йил самолётлар ёрдамида мамлакатнинг олис районларига бултургидан 15 процент кўп—қарийб ўн минг тонна боғ ва полиз маҳсулотларини элтиш мўлжалланади. Аммо ана шу мақсадларга ажратилган транспорт машиналари сони кўпайтирилмайди. Шунга қарамай ҳозир юк ташиш графиги ошириб бажарилмоқда.

Унга сабаб шуки, муҳим резервлар ишга солинди. Бу резервлар Ўзбекистон авиаторлари билан ҳамда уларнинг мамлакатимиз шимоли ва шарқидаги ҳамкасблари ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш билан боғланган. Биринчидан, биргалашиб юк самолётларининг оралиқ портларида тўхташини анча қисқартириш мумкин бўлди ва унинг натижасида уларнинг қатнови ортди. Иккинчидан, бултур мева ва сабзавотни пассажир самолётларида ташиш борасида ўтказилган эксперимент янада ривож топди.

Гап шундаки, ёз ойлари Магадан, Анадир, Петропавловск-Камчатск ғарб районларига пассажирлар ташийдиган самолётлар орқага деярли бўш қайтади. Шунда экономистлар бу самолётларнинг кўплари шу самолётлар йўлдан бироз четлашиб Тошкент, Фарғона, Андижон, Самарқанд ёки Бухорога бориб юк олиб шундан сўнг ўз портларига жўнаб кетиши анча наф келтиришини ҳисоблаб чиқдилар. Шу таклидда қимматбаҳо машиналарнинг «бекор қатнашини» анча қисқартириш, улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мумкин бўлади. Мамлакатнинг олис районларидаги харидорлар қўшимча юзлаб тонна янги помидор, олма, олхўри, шафтоли, ўрик, узум оладилар.

**(ЎзТАГ).**

ЛУҚМА

## БУДИЛЬНИК КЎРГАН БОРМИ?

Мабодо ҳамма нарса бор уйингизда оддий чинқироқ соат—будильник бўлмаса дарров руҳингиз тушиб кетмасин. Чунки сиз «ёлғиз» эмассиз, гапимга ишонаверинг. Жуда керакли бўлган бу матоҳни ҳозир кўплаб ҳамшаҳарларингиз шаҳар магазинларидан тополмай сарсон.

Агар астойдил изланса топилмайдиган нарса йўқ дейишади. Балки шундайдир. Лекин будильник бундан мустасно. Ҳозир энг серғайрат ва энг серҳафсала одам ҳам уни изламай қўйган. Улардан бири ишчи Ю. Толипов бизга мактуб йўллаб шундай деди: — «Йил бўйи чинқироғи бор соат излаб юрагим чинқириб юборди. Энди уни тополмаслигимга амин бўлдим...»

Хуллас, будильник керак. Буни ҳозир ҳамма билади. Чунки у ҳаммага керак-да! Лекин бу матоҳга муҳтожлардан— муҳтож бир ташкилот бор. Рўйхат бошига энг аввало халққа уни етказиб бериши лозим бўлган ушбу мутасадди ташкилот — «Ташкультторг» (директори В. П. Гордан) раҳбарларининг номларини битиб қўйиш керак. Сабаби улар қоғозбозликдан қўли бўшамай, бўшаганида эса эснаб, ухлаб қолишган. Уларни бу ширин уйқудан уйғотиб қўйиш учун эса баҳайбат будильник керак.

Будильник кўрган борми!

**М. ЮСУПОВ.**

«Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин

## «ХАТИНГИЗНИ КУТАМИЗ»

**Газетанинг шу йил 27 апрель сонида юқоридаги сарлавҳа остида мақола берилиб, унда Запорожецская кўчасида истиқомат қилувчи оқшомхонлар бир неча йилдан бери «Водоканал» трестидагиларнинг айби билан кўчаларига водопровод қувури ётқизиша олмаётганлиги танқид қилинган эди. Редакция водопровод тармоқлари бошқармаси бошлиғи Ш. Шоҳалимовдан қуйидаги жавобни олди:**

— Газетхон шикояти ўринли. Қурилиш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр бўлмаганлиги учун биз бу ишни бажара олмаган эдик. Ҳозир Запорожецская кўчасига янги водопровод линиясини ётқизиш учун ҳужжатлар тайёр бўлди. Навбат билан, 1985 йилда бу ишлар бажарилади.



# ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

## *СОВЕТ БУЮРТМАЧИЛАРИ УЧУН*

БУХАРЕСТ. Румин машинасозлари совет буюртмачиларига дон ва бошқа сочилувчан юк ташийдиган юбилей—10 мингинчи вагонни жўнатдилар. Шу тариқа улар СССРга маҳсулот юбориш ярим йиллик планини барвақт бажардилар.

РСРда совет лойиҳаси асосида қурилаётган 70 тонна юк кўтарадиган баҳайбат темир йўл вагонлари юксак техникавий ва эксплуатацион сифатлари билан ажралиб туради. Уларни ишлаб чиқаришда республиканинг Арад, Турну-Северин ва Каракалдаги етакчи вагонсозлик корхоналари қатнашмоқда. Совет ҳамкасблари эса Руминияга ғилдираклар, тормоз ускуналари, пўлат прокати юбориб туришибди. Шонли воқеа муносабати билан Араддаги бош корхонада тантанали митинг ўтказилди, унда СССР темир йўллар министрлигининг делегацияси ҳозир бўлди. Сўзга чиққан кишилар кўп томонлама, румин-совет ҳамкорлигига юксак баҳо бердилар, Бу ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга кўмаклашиш иштиёқини изҳор этдилар.

## ЕТАКЧИ КОРХОНАЛАРДАН БИРИ

БУДАПЕШТ. Роботнинг пўлат «бармоқлари» рангли телевизорнинг кинескопини технология стендидан техника контроли бўлими линиясига тез ва чаққон ўтказиб қўйди. Шу ва бошқа кўпгина ишлаб чиқариш операцияларини Венгриядаги «Микроэлектроника» бирлашмасининг инженер ва техниклари ясаган саноат манипуляторлари бажара олади.

Ишга туширилганидан буён ўтган уч йил мобайнида бу корхона тармоқдаги етакчи корхоналарнинг бирига айланди. Ҳозир унинг коллективи саноат роботларидан ташқари ЭҲМлар учун комплектлаш узеллари, жуда аниқ ишлайдиган ўлчов приборлари, илмий-тадқиқот марказлари учун бошқа асбоб-ускуналар ишлаб чиқармоқда, янги илғор технологияларни ишлаб чиқмоқда.

Корхонанинг маҳсулоти Венгриядагина эмас, чет элларда ҳам яхши маълум. «Микроэлектроника»нинг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасидаги шериклар билан мустаҳкам ҳамкорлиги корхона маҳсулотининг жаҳон стандартлари даражасида бўлишига эришиш имконини берди. Совет иттифоқилик ҳамкасблар бу борада катта ёрдам беришди.

«Микроэлектроника» бирлашмаси маҳсулотларининг катта-катта туркуми Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларга юборилмоқда.





Руминиянинг Констанца порти жаҳондаги энг йирик портлардан бири саналади. Порт омборхонаси 200 минг тонна юк сақлашга мўлжалланган. Республиканинг «бош денгиз дарвозаси» ҳисобланган бу порт ҳар куни турли мамлакатлардан келган 70 га яқин кемаларни қабул қилади.
СУРАТДА: Констанца портида.

Аджерпресс — ТАСС фотоси.

△

Будапештдаги Геллер тоғида улуғвор Озодлик обидаси қад кўтариб турибди. Совет солдати ва озодлик, тинчликнинг рамзи бўлган пальма навдасини кўтарган аёл ана шу обиданинг марказий фигуралари ҳисобланади.

МТИ — ТАСС фотоси.

## КООПЕРАЦИЯ ЙЎЛИДАН

СОФИЯ. Силистра шаҳридаги «Оргтехника» комбинати Социалистик Иқтисодий Интеграция туфайли Болгариянинг электрон ҳисоблаш ва микропроцессод техника ишлаб чиқарувчи етакчи корхоналаридан бирига айланди. Бу йил корхона ўзининг 20 йиллигини нишонлайди. Шу йиллар мобайнида унинг маҳсулоти дунёнинг кўпгина мамлакатларида, шу жумладан Совет Иттифоқида яхши шуҳрат қозонди.

Ҳозирги вақтда комбинат коллективи асосий диққат-эътиборини фан ва техниканинг энг янги ютуқларини практикага жадал жорий этишга, технологияларни такомиллаштиришга, маҳсулот сифатини оширишга қаратди. Бунда материал ва энергетика ресурсларини тежашга катта эътибор берилмоқда. Чунончи, шу беш йилликнинг уч йили мобайнида бу ерда пландан ташқари қарийб 300 минг левлик қора ва рангли металлар, бензин, мазут ва электр энергия тежаб қолинди.

Болгариядаги Социалистик Революциянинг 40 йиллиги байрам қилинадиган йилда «Оргтехника» меҳнаткашлари оширилган социалистик мажбурият олдилар. Улар йиллик топшириқни муддатидан илгари бажаришга ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши йўли билан кооперация усулида маҳсулот етказиб беришни барвакт туғаллашга ваъда бермоқдалар.

## *ЙИЛЛИК ТОПШИРИҚ БАЖАРИЛДИ*

ХАНОЙ. Социалистик Вьетнамдаги энг катта Фалай иссиқлик электр станцияси қурувчилари ва уни ишлатувчи ходимлар меҳнатда катта ғалабага эришдилар. Совет Иттифоқининг ёрдами билан қурилаётган станциянинг биринчи блокида йил бошидан бери 400 миллион киловатт-соат электр энергия ҳосил қилинди, йиллик топширик бажарилди.

ТЭЦнинг биринчи навбати ишга туширилиши мамлакат шимолидаги корхоналарни ҳамда шаҳарлар ва саноат зоналари аҳолисини электр энергия билан таъминлашни анча яхшилаш имконини берди, қишлоқ районларини электрлаштиришни янада кенгайтиришга йўл очди. Ҳозир фалайликлар йил охиригача яна 200 миллион киловатт-соат электр энергия ишлаб чиқариш, ТЭЦнинг иккинчи энергетика блокини синаб кўриб муддатидан илгари ишга тушириш мажбуриятини олдилар.

Фалай ҳозир Вьетнамда энг катта электр станция масканигина эмас, шу билан бирга республиканинг юқори малакали ишчи кадрлар тайёрлаш маконидир. Республиканинг зарбдор комсомол-ёшлар қурилиши деб эълон қилинган бу объектда минглаб йигит ва қизлар коммунистик тарбия сабоғини олдилар. Улар совет дўстлари ёрдамида турли бинокорлик ихтисосларининг сирларини эгалладилар, уларнинг кўплари энергетик касбини ўрганиб, станцияда ишлай бошладилар. ВСРдаги Фалай ТЭЦини бу ерда ҳақли равишда дўстлик қурилиши, деб атайдилар. Бу ерда меҳнат қардошлиги ва дўстона ўзаро ёрдам муҳитидаги ижодий вазият ҳукм сурмоқда.



ФРАНЦИЯ. Касаба союз бирлашмаси меҳнат бирлашган конфедерациясининг даъватига биноан Лотарингия меҳнаткашлари ҳаракат кунини ўтказдилар.

«Юманите» газетасидан олинган ушбу суратда «Сасилар» металлургия концерни корхоналаридан бирида ишчилар митинги тасвирланган.

ТАСС фотохроникаси.

## Энг кекса киши

Аҳоли рўйхати маълумотида Вьетнамда истиқомат қилувчи 2730 киши юз йилдан ортиқ умр кўрганлиги қайд этилган. Узоқ умр кўрувчиларнинг 80 процентини аёллар ташкил этади. Мамлакатдаги энг кекса киши эса деҳқон Ву Тхи Ми бўлиб, унинг ёши 143 га тўлди. Бу ҳақда «Вьетнам» журнали хабар беради.

## Қўнғироқлар ремонти

Мана бир неча ҳафтадирки парижликлар оламга машҳур бўлган Нотр-Дам соборидаги қўнғироқлар жарангини эшитишмайди. Ўтган асрда қуйилиб, соборнинг шимоли минорасидан жой олган бу беш қўнғироқ реставрация қилинаётир. Улардан энг оғирининг миқдори 1800 килограммдир. Шуниси характерлики, бу қўнғироқларнинг ҳар бири аёллар исми билан юритилади. 14 июлда Франция миллий байрами — Бастилиянинг забт этилиши кунида қўнғироқлар бундан қирқ йил муқаддам Парижнинг фашист босқинчиларидан озод қилиниши муносабати билан жаранглаганидек яна қудратли куч билан жаранглайдилар.

## Ўзига хос услуб

«Лянъхэ вань бао» газетасининг ёзишича Сингапурда ишсизлар сони 1982 йилнинг биринчи ярмидаги 2,6 процентдан ўтган йилнинг биринчи ярмида 3,2 процентигача ошди. Лекин шунга қарамай, деб хабар беради меҳнат министрлигининг вакили, Сингапур деярли иш билан таъминланган мамлакат ҳисобланади. Чунки республикада ишсизлар сони 4—5 процентни ташкил этсада, ҳар бир киши ўзига яраша касб-кор билан шуғулланади.

## Пассажирлар қутқариб қолинди

Қояга келиб урилган «Сандансер» лайнеридаги 787 пассажир ва кема экипажи ҳаётини сақлаб қолиш учун қутқарувчилар роппа-роса тўрт соат вақт сарфладилар. Аляска курси билан бораётган судна Канаданинг Британия Колумбияси вилояти соҳиллари яқинида аварияга учраган. Кемадаги пассажирлар омон-эсон олиб чиқилгандан кейин «Сандансер» шу яқин ўртадаги докка ремонтга қўйилди. Бу ҳақда ЮПИ агентлиги хабар беради.

## Рекорд кўрсаткич

Бомбейда (Ҳиндистон) бир суткада 544 миллиметр миқдорида ёмғир ёғди. Рейтер агентлигининг хабар беришича бу юз йил давомида рўй берган рекорд кўрсаткичдир. Сурункали сел порт ишларини тўхтатиб қўйди. Темир йўллар ва шаҳардаги бошқа транспорт коммуникацияларига катта зарар етказди.

## Байрам тараддуди

Гайанада Кариб ҳавзасидаги Британия мустамлакаларида қулчилик бекор қилинганлигининг 150 йиллиги байрамига ҳозирлик кўрила бошлади. 1 августда нишонланадиган шу байрам куни регионнинг инглиз тилида гаплашувчи ҳамма давлатларида миллий байрам деб эълон қилинди.

Гайана пойтахтидаги тантаналар парламент биноси олдидаги расмий маросим ҳамда мактаб ўқувчилари ва студентларнинг паради билан бошланади. Мамлакатнинг бошқа шаҳар ва районларида митинглар ҳамда йиғилишлар бўлиб ўтади. Гайана миллий паркида «Санъат фестивали—84» ўтказилади.

Юбилейнинг байрам қилиниши, деди бу ерда шонли санага бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўрувчи миллий комиссиянинг раиси, маориф министри Р. Чанди-Сингх, ёш авлодни мустақиллик ва тенг ҳуқуқлилик учун кураш анъаналари руҳида тарбиялаш ишида муҳим роль ўйнайди, Гайана аҳолисини социал-иқтисодий тараққиёт режаларини бажаришга сафарбар қилишга кўмаклашади.

